

“Тавба” сурасининг дастлабки оятларининг нозил бўлиши

Ислом дини барча динлар каби юксак инсонпарварлик, бағрикенглик, маърифатпарварлик каби ғоялари билан алоҳида ўрин тутди. Қуръони карим сураларида ҳам инсонлар ўзаро тинч яшашга, солиҳ амаллар қилишга чақирилади. Қуръонда илк ислом даврида зарурият туфайли нозил бўлган жанг тўғрисидаги оятлар ҳам мавжуд. Ана шундай оятларни нотўғри талқин қилиш исломий дунёқараш ва урф-одатларни бузиб кўрсатиш ҳамда ислом динини терроризм, экстремизм билан асоссиз боғлаб, исломофобия ривожланишига олиб келаётган асосий омиллардан бирига айланиб қолаяпти. Бундай оятлар сирасига “Тавба” сурасининг дастлабки оятлари ҳам киради. Афсуски, бугунги кунда ислом дини номидан сўзлаб, ўз сиёсий мақсадларига эришмоқчи бўлганлар ўзларининг зўравонлик ҳаракатларини оқлаш мақсадида сура оятларини нотўғри талқин қилиб, улардан асоссиз равишда фойдаланиб келмоқдалар. Ваҳоланки, суранинг мазмун-моҳияти бутунлай 631 йил воқеаларини изоҳлашга хизмат қилади. Буни аниқроқ тушуниш учун 630-631 йил воқеаларига бироз батафсилроқ тўхташ ўринлидир.

Муҳаммад пайғамбар Мадинага ҳижратидан кейин, 6 йил давомида Макка мушрикларига қарши курашиб келди. 8-ҳижрий йилда Макка тинч йўл билан фатҳ этилгач, деярли йигирма йил давом этиб келган “мусулмон-мушрик” урушлари барҳам топди¹. Қурайшнинг исломни қабул қилиб, янги тузумга бирлашиши бутпарастлик даврининг ниҳоясига етганини билдирди².

Макка фатҳидан сўнг Муҳаммад пайғамбар олдида янги тузумга қўшилмаган араб қабилалари ва мусулмонларга қарши бўлган айрим аҳли китоблар масаласини ҳал қилиш вазифаси турар эди. Ўша пайтдаги вазият янги

¹ Закои Қўнрапа. Пайғамбаримиз ва ислом дини: Мадина даври. К.2. — Т.: Мовароуннахр, 1996. — Б. 67.

² Аҳмад Иброҳим аш-Шариф. Макка ва ал-Мадина фи жоҳилия ва аҳд ар-расул. — ал-Қоҳира. — Б. 530.

давлатни мустаҳкамлаш ва қўшилмаган қабилаларнинг мавқеини чегаралашни тақозо этар эди. Давлат ва унинг қонунларига бўйсунмайдиган гуруҳларнинг хатар солиши аниқ, уларни ўрнатилган низомга бўйсундириш ёки уюштириладиган ҳужумларга тайёр туриш керак эди³.

Янги тузумга киришнинг икки жиҳати бор бўлиб, бутпарастлар араблар бирлигини тасдиқлаб, янги тузумга кирганликларини намоиш этиши ва исломни қабул қилишлари; китоб аҳллари, яъни яҳудий ва насронийлар эса жизя тўлаш орқали янги давлат билан алоқа ўрнатганларини эълон қилишлари керак эди.

Жизя – пул солиғи бўлиб, уни балоғатга етган, қўлида ҳунари борлар тўлаши лозим бўлиб, аёллар, болалар ва диндорлар бундан озод эдилар. Жизя янги давлатга бўйсиниш ва у билан ҳамкорлик қилишни намоён этарди. Ўз навбатида янги давлат уларни ҳимоя қилиши, уларга фуқаролик ҳуқуқларини бериши, ҳарбий хизматдан озод қилиш билан биргаликда қонунларни амалга оширишни кафолатлаши керак эди⁴. Вужудга келган вазиятда легитимлик, яъни қайсидир шаклдаги қонуний ҳужжатга эҳтиёж бор эди. 631 йилгача бутпарастларга катъий равишда қарши чиқилмаганди. Мусулмонларга қўшилмаган гуруҳларни қўшиш ва уларнинг мавқеларини чегаралаш учун Муҳаммад пайғамбар 9-ҳижрий йилнинг охирида “бароат” – “ора очиклик” деб номланган баённома қабул қилди. Бу баён “Тавба сура”сининг оятлари билан ваҳий бўлди. Бу сура Қуръони каримда “Бисмиллоҳ”дан бошланмайдиган ягона сура ҳисобланади. Баъзилар уни олдинги Анфол сурасининг давоми, десалар, бошқалар сурада кўпроқ уруш, жанг, қатл тўғрисида тафсилот келгани учун “Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим” каби Аллоҳнинг раҳмати ва меҳрибонлигига далолат қиладиган оят ўқиладиган мақом эмас, деб таъвил қиладилар⁵. Сурада мушриклар билан ора очиклик, 9-ҳижрий йилда Мадина билан Шом оралиғида

³ Аҳмад Иброҳим аш-Шариф. Макка ва ал-Мадина фи жоҳилия ва аҳд ар-расул. – ал-Қоҳира. – Б. 531.

⁴ Ўша манба. – Б. 536.

⁵ Манноъ ал-Қаттоъ. Тарих ат-ташриъ ал-ислабий. – Ар-Риёд, 1996. – Б. 434.

жойлашган Табук жанги ва мунофиқлар тўғрисидаги оятлар ўз ифодасини топган. У “бароат” сўзи билан бошлангани учун “Бароат сураси” деб ҳам аталади⁶.

Ҳижрий 9-йилдаги ҳаж мавсумида пайғамбар ҳажни бошқаришни Абу Бакрга топширди. Бу вазифани Абу Бакрга топширилишига Муҳаммад пайғамбарнинг Каъбани яланғоч ҳолдаги мушриклар билан тавоф қилишни хоҳламаганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Большаков фикрича эса, Муҳаммад пайғамбар мушриклар билан тўқнаш келмаслик учун улар чиқиб кетган пайтда икки марта умра қилди. Энди у мусулмонларнинг кучини кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, катта ҳажни амалга оширмоқчи бўлди, лекин ўзига тўлиқ ишонмагани учун ҳаж бошқарувини Абу Бакрга топширди⁷. Бу фикрни нотўғри эканлигини ҳожилар кетгач, “бароат оятлари” тушганлигида кўриш мумкин. Чунки пайғамбар мушриклар билан бирга Каъбани тавоф қилишни истамаганлиги учун уларга қарши чиқиш энди оятлар мазмунида очиқ айтилди.

Абу Бакр бошчилигидаги 300 та ҳожидан иборат карвон Маккага жўнаб кетгач, Муҳаммад Пайғамбар ушбу баённомани етказиш учун Алини карвон ортидан жўнатди. Янги нозил бўлган оятлар барча ҳожилар йиғилган пайтда Минода ўқилиши керак эди. Оятлар орқали пайғамбар биринчи марта Арабистонда бутпарастликка қарши узил-кесил уруш эълон қилди. Баённи етказиш Алига топширилганлигининг ҳам ўз сабаблари бор эди. Биринчидан, оятлар Абу Бакр Мадинадан чиқиб кетганидан сўнг нозил бўлган, иккинчидан эса, арабларнинг одатларига кўра, икки томонлама тузилган аҳдноmani бузишда уни тузган киши ёки унга қариндош шахс қатнашиши керак эди. Ҳазрат Али барча ҳожилар Арофатдан қайтиб, Мино тоғига йиғилган куни, шайтонга тош отиладиган жойга келиб, “Тавба” сурасининг дастлабки оятларини ўқиб

⁶ Қуръони карим таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б.187.

⁷ Большаков О. Г. История халифата: Ислам в Аравии 570-633. Т.1. – М.: Наука, 1989. – С. 176.

эшиттирди⁸. Тафсирлар ва тадқиқотларда оятлар сони 5, 11⁹, 28¹⁰, 30 ёки 40¹¹ тагача деб зикр этилган.

631 йил ислом тарихида “делегациялар йили” (ом ал-вуфуд) деган номни олди. Қабилалар ўз вакиллари пайғамбар ҳузурига юбориб, марказлашган араб-мусулмон давлатига қўшилганларини бирин-кетин эълон қила бошладилар. Бу жараёни охирига етказиш, унга қонуний тус бериш учун бир тарихий ҳужжатга эҳтиёж бор эди. Бундай ҳужжат вазифасини 631 йил “ҳажж акбар” маросимида эълон қилинган, “Баён бароа” (Озодлик декларацияси) номини олган Тавба сураси ўтади.

Тавба сураси қуйидаги оятлар билан бошланади:

1-оят: (Бу) Аллоҳ ва (Унинг) Пайғамбаридан сизлар (билан) аҳдлашган мушрикларга (нисбатан) ора очикдир”¹². Тафсирларда бу оятдаги ора очиклик мусулмонлар билан сулҳ тузган Ҳузоа ва бану Мудлиж ва улар билан иттифоқда бўлганларга нисбатан дейилади.

2-оят: (Эй, мушриклар! Уруш тақиқланган) тўрт ойда ер (юзи) бўйлаб саёҳат қилингиз ва билиб қўйингизки, сизлар Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз ва Аллоҳ кофирларни шармсор этувчидир!

Уларга кетма-кет 4 ой муддат берилиши ўйлаб қўришлари учун эди. Оят таржимасида берилган 4 ой “уруш ҳаром этилган” ойлар эмас, балки 631 йил 10-зул ҳижжа – Қурбон ҳайитидан эътиборан кейинги 4 ой кўзда тутилаяпти. Насафий тафсирига кўра, бу тўрт ой – зул ҳижжадан 20 кун, Мухаррам, Сафар, Рабийъул аввал тўлиқ ва Рабийъул охирдан 10 кунни ўз ичига олади¹³. Бу

⁸ Али Муҳаммад Муҳаммад ас-Саллобий. Ас-Сийра ан-набавийя. Ард вақоий ва таҳлил аҳдас. – ал-Мансура. 2007. – Б. 1030. Большаков О. – С. 176.

⁹ Ҳамдий бин Муҳаммад Нур ад-Дин ал-Нуфал. Ас-Сийра ан – набавийя. – Ар-Рияд. 4-жузъ. – Б. 127.

¹⁰ Большаков О. – С. 177.

¹¹ Тафсийр ан-Насафий. 1-жузъ. 1988. – Б. 115. Аз-Замахшарий. Ал-Кашшоф. 2-жузъ. – Б. 232.

¹² Қуръон оятлари маъноларининг таржимаси А.Мансурга тегишли. Қуръони карим таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.

¹³ Тафсийр ан-Насафий. 1-жузъ. 1988. – Б. 115.

муддат Шавволдан бошланса, унинг охири Мухаррам ойи дейилган фикрлар ҳам мавжуд¹⁴.

3-оят: Шунингдек, (бу) Аллоҳ ва (Унинг) Пайғамбаридан “Ҳажжи акбар” (Қурбон ҳайити) куни одамларга Аллоҳнинг ва Расулининг мушриклардан безор эканликларини эълони (ҳам)дир. Агар тавба қилсангиз, бу сизлар учун яхшидир. Борди-ю (тавбадан) бош тортсангиз, у ҳолда билиб қўйингизки, сизлар Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз. (Эй, Мухаммад!) Кофир бўлганларга аламли азоб ҳақида “хушхабар” беринг!

Ҳижратдан кейин олти йил давомидаги воқеа ва ҳодисалар таҳлил қилинганида, мусулмонлар доимо тинчликка интиланликлари, ҳатто, уларни Маккадан ҳайдаб чиқариб, зулм қилган мушриклар билан – “Ҳудайбия сулҳи”ни тузишгани маълум. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳднома тузилишига мусулмонларнинг ўша пайтда кучсиз эканликлари сабаб бўлмай, аксинча, айни сулҳ тузилган вақтда улар мушриклардан кучли эдилар. Уларда ўзларининг азалий душманларидан ўч олишларига имконият бўлса-да, бу йўлни танламадилар. Лекин мушриклар хоинлик қилиб, сулҳни буздилар. Ҳар қандай жамиятда жанг шароитларидаги хоинлик ўлим жазосига лойиқдир. Ушбу оятларда мушриклар билан мусулмонлар ўртасида аҳднома бузилиб, ора очик бўлганлиги ва уларга 4 ой муҳлат берилиб, ундан сўнг мусулмонлар томонидан ҳеч қандай хавфсизлик таъминланмаслиги ҳақида айтилган.

Тузилган аҳдномани бану Дамра ва Бану Кинона қабилалари бузганди¹⁵. Ибн Исҳоқнинг гапларига кўра, ора очиклик, яъни бароат ўртада умумий аҳд бўлган мушрикларга тааллуқлидир. 1–2-оятларда улар билан оранинг очиклиги эълон қилинди, аммо 3-оятда тавба қилишса, ўзлари учун яхши бўлиши, билъақс азоб борлиги айтилмоқда. Пайғамбар Алини Маккага жўнатаётганида, қуйидагиларни эълон қилишни ҳам буюрган эди: кофирлар жаннатга кирмайди,

¹⁴ Ибн Касийр ад-Димашкий. Тафсийр ал-Қуръон ал-азийм. 2-жузъ. Ал-Қоҳира.2002. –Б. 332.

¹⁵ Тафсийр ан-Насафий. 1-жузъ. 1988. – Б. 115.

кейинги йил мушриклар ҳаж қилмайди, Каъба яланғоч тавоф қилинмайди, пайғамбар билан тузилган аҳднома муддатига етказилади, улардан бошқаларга эса ўз юртларига етиб олишлари учун 4 ой муҳлат берилади¹⁶.

4-оят: Аммо сизлар (мўминлар) аҳдлашган мушриклар кейин сизларга бирор нарсада ноқислик (вафосизлик) қилмасалар ва сизларга қарши ҳеч ким билан ҳамкорлик қилмасалар, у ҳолда уларнинг аҳдларини (белгиланган) муддатларигача етказингиз! Албатта, Аллоҳ тақвоиларни яхши кўргай.

Бу ўринда хоинлик қилмай, аҳднома шартларига тўлиқ риоя қилган мушриклар билан тузилган махсус аҳдларини муддатига етказиш кераклиги уқтирилаяпти. Ушбу аҳдларга Ҳудайбияда тузилган сулҳни ҳам киритиш мумкин.

5-оят: (Уруш) тақиқланган ойлар чиқиши билан (сизларга уруш очган) мушрикларни топган жойингизда ўлдингиз, тутингиз (асир олингиз), қамал қилингиз ва ҳар қандай пистирмаларда уларни кузатиб турингиз! Агар тавба қилиб, намозни мукаммал адо этсалар ва закот берсалар, уларни қўйиб юборингиз! Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир.

Оятга кўра, 4 ойдан сўнг мусулмонларга қарши чиққан мушриклар ёппасига йўқ қилинади. Аммо улар белгиланган муддатда Аллоҳга имон келтирсалар, кечириладилар. “Бу оятдаги “мушрикларни қаерда тутсангиз ўлдингиз” дейилгани барча мушрикларга эмас, фақатгина азалдан мусулмонларга душманлик қилиб келган, ҳар доим ўз вазифаларини бажармай, тинчлик ҳақидаги сулҳларни бузганлар учундир”¹⁷. Демак, бу ҳолат зўравонлик эмас, балки унда Аллоҳнинг раҳм-шафқатига ишорани кўриш мумкин. Муаммони жанг билан ҳал қилиш мусулмонларга қарши биринчи бўлиб уруш очганларга нисбатан мумкиндир.

¹⁶ Ҳамдий бин Муҳаммад Нур ад-Дин ал-Нуфал. Ас-Сийра ан – набавийя. – Ар-Рияд. Ж.4. – Б. 128.

¹⁷ Тауфик Ибрагим. Толерантний ислам. Какую войну санкционирует Коран? /Татарский мир. № 3, 2005.

6-оят: Агар мушриклардан бирортаси Сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоянгизга олинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнгра уни хавфсиз жойига етказиб қўйинг! Бу уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари сабаблидир.

11-оят: Агар тавба қилсалар ва намозни мукамал адо этиб, закот берсалар, у ҳолда (улар) сизларнинг дин жиҳатдан биродарларингиздир. Биладиган қавм учун оятларни батафсил баён этурмиз.

Ушбу оятлар мазмунидан кўриш мумкинки, мушриклар душманлик қилишмаса, мусулмонлар уларнинг хавфсизликлари таъминланиши айтилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мушриклар билан ора очиклик учун тўрт ой муҳлат берилган бўлсада, муддат ўтганидан кейин ҳам бирор кишининг мажбуран исломга киритилгани хусусида маълумот учрамайди.

Тавба сурасининг дастлабки оятларида келган мушрикларга қарши қатъий ҳукмлар фақат аҳдни бузганларга нисбатан бўлиб, тавба қилганлар жазоланмаслиги ва уларга етарли имкониятлар берилгани таъкидланган. Ҳар бир қатъий ҳукмдан кейин уни юмшатувчи мазмундаги оятлар берилгани ҳам оятларни бир-биридан ажратмай, ўқилишини тақозо этади. Бу унинг “қилич ояти” сифатида талқин қилиниши тўғри эмаслигини билдиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Муҳаммад пайғамбар зўравонлик ишлатмагани туфайли “Тавба” сураси янги қонуний ҳужжат сифатида тезда ўз самарасини бериб, бир йил вақт ичида араб қабилаларининг деярли барчаси исломни қабул қилди. Буни 632 йил пайғамбарнинг мусулмонларга муҳим ва риоя қилиниши шарт бўлган масалалар борасидаги хутбаси билан якунланган ҳамда “видолашув” номини олган ҳажида юз минг ҳожи қатнашгани билан изоҳлаш мумкин. 8-Зул ҳижжа куни Арофатда ваҳий бўлиб келган Моида сурасининг 3-ояти эса, Пайғамбарнинг 23 йиллик фаолиятига якун ясаб, у киши даъват қилган таълимотга аниқ-равшан “ислом” номини берди.